

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич

Фискал институт “Солиқлар ва солиққа тортиши”, кафедраси доценти (*PhD*)

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: профессионал фаолиятдан даромад, ўзини ўзи банд қилиш, томонидан вактингчалик меҳнат гувоҳномаси, кулай солиқ ставкаси.

Аннотация

Ушбу мақолада ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишнинг хусусиятлари, мамлакатимиз қонунчилиги, жаҳон тажрибаси таҳлил қилиниб тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Халқаро молия фонди (IMF)нинг ҳисоботига кўра, бугунги кунда дунёда 90 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар бутун дунёнинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда, шунингдек ривожланган мамлакатларда хусусий тадбиркорликнинг ҳиссасига ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизи ва банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиқ қисми тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ўз-ўзини иш билан таъминлайдиган шахсларнинг солиққа тортиш тизими ривожланиш тарихи таҳлилига асосланиб, 2020 йилда жорий этилган ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортиш тизимини таҳлил қилиб, унинг солиқ тизимидағи ўрнини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат бозорин ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва бу орқали иқтисодиётни юқори ўсиш суръатларини таъминлаш каби муаммолар республикамиз олимлари томонидан кенг тадқиқ этиб келинмоқда.

Ушбу мавзуларда тадқиқот олиб борган олимларимиздан Ш.Р.Холмуминов, К.З.Хомитов, Н.У.Арабов, А.Б.Хайитов, Ж.Х.Бобаназарова[1]лар ўзларининг илмий ишларида иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида меҳнат бозорини иқтисодий модделлар ва анализлар орқали таҳлил қилиб хulosалар берганлар.

П.М.Қаршибаевич, Усмонов Ямуродбек Дусмурот ўғли, Латипов Ашур Али Рустам ўғли ўзларининг ёндашувларида қишлоқ аҳолисининг камба-ғаллигини қисқартиришда иш билан бандлигини таъминлаш имкониятлари ўрганиб чиқилган. Шу билан биргаликда ишга жойлаштириш ва бандликни таъминлаш билан камбагалликни қисқартириш имкониятлари ҳам кўрсатиб ўтилган[2].

Рус олими Н.Е.Савенко ўзининг илмий ишларида ўзини ўзи банд қил-ган шахсларни маҳсус солиқ режимида кенг категория сифатида ўрганиб чиқди. Шунингдек “Профессионал фаолиятдан олинадиган даромад” тушун-часини изоҳлаб ёритиб ўтган [3].

Ш.Х.Дусияров томонидан ўзини ўзи банд қилишнинг бугунги кундаги амалиёти кенг ёритиб

ўтилган [4].

Ф.А.Файзиев томонидан хизмат кўрсатишни рақамли трансформа-циялаш орқали ўзини ўзи банд қилганларни солиқ тартиш амалиётини кенг қўллашни тавсия этган [5].

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида ўзини ўзи банд қилганлар-нинг таъсирини аниқлаш учун олдин унинг мамлакатимиздаги эволюцион ривожланишини кўриб чиқишимиз лозим.

Ўзбекистонда ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг пайдо бўлишининг бошланиши 1990 йилларга тўғри келади. Айнан ўша пайтда саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ёпила бошлади, бу эса фуқароларни ҳеч бўлмаганда даромад келтирадиган иш қидиришга мажбур қилди. Шундай қилиб, ўзини ўзи иш билан таъминлаш аҳолининг ташқи мухитнинг салбий таъсирига ижтимоий-иқтисодий мослашуви шаклларидан бири бўлди. Ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг кенгайишининг асосий сабаблари сифатида ишсизлик кўрсаткичларининг ўсиши, ишсизлик муаммосини ҳал қилишда фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини давлат томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаганлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Қонунчиликда биринчи марта ўзини ўзи банд қилиш бўйича кўрсатма-лар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартағи “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида” ги ПҚ-4227-сонли Карорида кўрсатиб ўтилди. Унга асосан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда ўзини ўзи банд қилиш учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини ишлаб чиқиши, бунда гувоҳнома эгаларига рағбатлантирувчи имтиёзларни жорий этиш тартиби юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш вазифалари бериб ўтилди. Имтиёзларни берилишида қўйидагилар ҳам назарда тутилиши белгилаб қўйилди:

- ўзини ўзи банд қилган фуқаролар томонидан вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси учун тўлов амалга оширилган даврни меҳнат стажига киритиш;
- пенсия олиш ҳуқуқи юзага келгандан сўнг, вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси орқали ўзини ўзи банд қилган фуқароларга пенсия тайинлаш тартибини жорий этиш;

2019 йил 9 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида” ги 566-сон қарори эълон қилинди.

Қарорга асосан:

- 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари, уларнинг эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи бери-лишини назарда тутадиган тартиб жорий қилинди. Қарорга асосан ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.
- ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳнома-лари бериладиган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхати тасдиқлан-ди.

Қарор билан белгиландики:

- меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахс-ларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёллан-ма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар меҳнат ста-жини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фуқаролар - ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ҳисобланиши;

- ўзини ўзи банд қилган фуқароларга мөхнат гувоҳномаси мөхнат органлари томонидан уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик принципи бўйича) пулли асосида берилиши;
- ушбу тўловларни ундиришдан тушган тушумларнинг бир қисми ўзини ўзи банд қилганларнинг пенсия суғуртасини таъминлашга мақсадли йўналтирилади;
- вақтинчалик мөхнат гувоҳномалари берилган санадан бошлаб ва улар амал қилишининг бутун даври пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун фуқароларнинг мөхнат стажига ҳисобланиши белгиланди;
- ташкилотлар томонидан ўзини ўзи банд қилган фуқароларни шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятга жалб қилишга рухсат берилди. Бунда кўрсатиб ўтилган фуқаролар мөхнатига ҳақ тўлаш ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқиш обьекти бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнда “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори эълон қилинди. Унга асосан 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати кенгайтирилди.

2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда маҳсус мобиљ илова ёхуд солик тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилиши ҳамда вақтинчалик мөхнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинди;

2020 йилдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахслар ижтимоий соликни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолият юритган кунлардан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи миқдорида тўлаши, бу сумманинг барчаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилиши белгиланди;

ўзини ўзи банд қилган шахслар ходимларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчи бўла олмаслиги белгиланди.

Интернет тармоғи орқали хизматларни амалга оширувчи фрилансинглар қуидаги имкониятга эга бўлди;

- чет элдаги жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган ишлар (хизматлар) учун — хорижий валютадаги тўловларни Ўзбекистон Республикасининг банкларидағи ҳисоб рақамларига қабул қилиш;
- шартнома расмийлаштиրмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий оферта қабул қилиш орқали чет эллик солик тўловчиларга хизматлар кўрсатиши.

Солик қўмитаси ўзини ўзи банд қилган шахсларни электрон рўйхатга олиш учун мобиљ илова яратди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оиласи корхоналар айланмадан олинадиган соликни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлаши белгиланди.

Хорижий мамлакатлар мисолида кўрайдиган бўлсақ, Россия Федерациясида дастлаб ўзини ўзии банд қилиш тушунчаси 1990 йил 25 декабрдаги “Ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда кўрсатиб ўтилган.

Бу қонунда “ўзини-ўзи банд қилиш” деганда-ўзининг шахсий маблағлари ҳисобидан кичик

мөхнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар деб таъриф берилган[6].

Йиллар давомида Россия Федерациясида ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиқса тортиш тартиби бўйича бир канча таклифлар ҳам берилган. Аксарият ҳолларда бу таклифлар ҳукумат томонидан қабул қилинмаган.

2018 йилдан бошлаб синов тариқасида “Профессионал даромаддан олинадиган солик” деб номланган махсус солик режими қабул қилинди¹. Бу синов тариқасидаги режим 01.01.2019 дан 31.12.2028 йилгача амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

2020 йилда бу режимда Россия Федерациясининг 19 та худуди қамраб олинди. Тажриба ўзини оқлагач 2020 йил 1 июлдан бошлаб ушбу синов тариқасидаги солик режими бутун мамлакат худудига татбиқ этила бошланди.

Ушбу солик режими мамлакатда 10 йил давомида амалиётда қўлланилиши белгиланган.

Ушбу солик турини танлаш ихтиёрий тартибда амалга оширилади.

Профессионал даромаддан олинадиган солик режимига ўтган жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти натижасида олинган даромаддан 4 ёки 6 фоизли имтиёзли ставкада солик тўлашлари мумкин.

Бу ноконуний тадбиркорлик фаолияти учун жарима олиш хавфисиз қонуний равишда бизнес юритиш ва ярим кунлик ишлардан даромад олиш имконини беради. 1-жадвал маълумоти.

1-жадвал. Россия Федерациясида “Профессионал даромаддан олинадиган солик” тўғрисида маълумот

№	Имкониятлар	Изоҳ
1	Хисобот ва декларациялар тақдим этилмаслиги	Декларация тақдим этиш шарт эмас. Солик тўловчининг тўғрисидаги маълумотлар дастурга киритилганлиги сабабли, тўловлар амалга оширилганда даромадлар хисоби автоматик тарзда мобиль дастур орқали олиб борилади
2	Ишлар ва хизматларни амалга оширганлик учун чек дастурда автоматик тарзда шакллантирилади	Тўловлар амалга оширилганда назорат касса машинаси чекини бериш зарурати йўқ. Чек «Мой налог» мобиль иловаси орқали автоматик тарзда шакллантирилади
3	Ижтимоий тўловларни амалга оширмаслик мумкин	Пенсия жамғармасига тўловларни амалга ошириш ихтиёрий тартибга асосланган
4	Якка тартибдаги тадбиркор бўлмасдан қонуний фаолият юритиш	Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди. Даромад суммаси мобиль илова орқали аниқланади
5	Солик чегирмасининг мавжудлиги	Хисобот йили учун чегирма суммаси - 10 000 рубль

¹ Указа Президента РФ от 07.05.2018 № 204 «О национальных целях и стратегических задачах развития Российской Федерации на период до 2024 года» разработан законопроект, который был принят Госдумой, одобрен Советом Федерации. Речь идет о Федеральном законе от 27.11.2018 № 422-ФЗ «О проведении эксперимента по установлению специального налогового режима “Налог на профессиональный доход” в городе федерального значения Москве, в Московской и Калужской областях, а также в Республике Татарстан (Татарстан)».

6	Солиқни тұлаш учун ҳисобкитоб ишларини амалга ошириш шарт әмас	Солиқ суммаси дастур орқали автоматик ҳисобланади. Тұлов муддати - кейинги ойнинг 28-санасидан кечиқтирмай
7	Кулай солиқ ставкалари	4% — жисмоний шахслардан олган даромадларидан. 6% — ЯТТ ва юридик шахслардан олинган даромадлардан
8	Интернет каналлари орқали рўйхатдан ўтиш	Рўйхатдан ўтиш учун солиқ органларига боришнинг зарурати йўқ. Рўйхатдан ўтиш тартиби - мобиль илова орқали; - ФСХ электрон сайти орқали; - Давлат хизматлари маркази орқали
9	Фаолиятни асосий иш жойи мавжуд бўлгандан ҳам амалга ошириш	Иш ҳақи даромад сифатида ҳисобга олинмайди. Асосий иш жойи бўйича иш стажи ҳисбланишига ҳеч қандай таъкиқ йўқ. (<i>Фаолиятни асосий иши бўлса ҳам амалга ошириши мумкин</i>)

Белоруссия Республикасида ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини кўрадиган бўлсак, ушбу мамлакатда ҳам Россия Федерациясидагидек “Профессионал даромаддан олинадиган солиқ” мавжуд.

Ушбу солиқ тури жисмоний шахслар учун 2023 йил 1 январдан жорий этилган маҳсус солиқ режимири.

Маҳсус солиқ режимига ўтиш ихтиёрий равища амалга оширилади.

Профессионал даромаддан олинадиган солиқ режимини қўллаш учун жисмоний шахс электрон платформадан - “Профессионал даромаддан олинадиган солиқ” иловасини танлаши лозим.

Куйидаги жисмоний шахслар ушбу солиқнинг тўловчилари ҳисобланади:

- ✓ хукумат томонидан белгилаб қўйилган фаолият турлари билан шу-улланувчилик²;
- ✓ мулқдан ижарага бериш учун фойдаланувчилик;

Ушбу фаолият турлари билан шуғулланувчилик ишчи ёллаш хукуқига эга әмас. Ушбу солиқни хусусиятлари бўйича кенгрок тўхталсак. 2-жадвал маълумоти.

2-жадвал. Белоруссия Республикасида “Профессионал даромаддан олинадиган солиқ” тўғрисида маълумот

№	Имкониятлар	Изоҳ
1	Ҳисбот ва декларациялар тақдим этилмаслиги	Солиқ тўловчининг тўғрисидаги маълумотлар дастурга киритилганлиги сабабли, тўловлар амалга оширилганда даромадлар ҳисбига автоматик тарзда мобиль дастур орқали олиб борилади
2	Фаолиятни амалга оширганда назорат касса	Тўловлар амалга оширилганда назорат касса машинаси чекини бериш

² Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 8 декабря 2022г. №851 «О перечне видов деятельности»

	машинасидан фойдаланиш зарурати йўқ	зарурати йўқ. Чек мобиль илова орқали автоматик шакллантирилади
3	Тўланган солиқ суммаси қўйидагиларни ўз ичига олади	- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини; - ҳунармандчилик фаолияти учун тўлов; - якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган ягона солиқ; - Белоруссия Республикаси жисмоний шахслари учун ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари фонdlарига мажбурий суғурта бадалларини
4	Фаолиятни тўхтатиш тартиби	Солиқ тўловчининг ташабbusи билан: - қарор қабул қилинган кундан бошлаб (<i>дастур орқали хабардор қилинади</i>) Солиқ органининг ташабbusи билан: - Рўйхатда келтирилган фаолият тури билан шуғулланса; - Фуқаронинг вафот этиши ёки суднинг вафот этган деб чиқарган қарорига асосан - Фуқаронинг суд томонидан бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги қарорига асосан;
5	Солиқ чегирмасининг мавжудлиги	Чегирма суммаси - 2000 белорус рубли миқдорида. Ишлатилмай қолган чегирма суммасини фаолиятни тўхтатмаслик шарти билан кейинги йилга қўчириш мумкин
6	Солиқни тўлаш учун ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш шарт эмас	Солиқ суммасини дастур автоматик ҳисоблайди ва солиқ тўловчини олдинги ой учун, кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктиrmай солиқни тўлаш тўғрисида хабардор қиласди. Тўлов муддати - кейинги ойнинг 22-санасидан кечиктиrmай.
7	Қулай солиқ ставкалари	10% миқдорида: - жисмоний шахслардан олган даромадларидан (<i>қиймати аҳамиятга эга эмас</i>). - хорижий компаниялар, хорижий якка тартибдаги тадбиркорлардан (<i>қиймати аҳамиятга эга эмас</i>). - Белоруссия Республикасида ҳисобда турган юридик шахслар ва якка

		<p>тартибдаги тадбиркорларлардан (йилига 60 000 Белорусь рублидан ошмаган миқдорда) Пенсионерлар учун 4% миқдорида (давлат ва давлатдан ташқари ижтимоий ҳимоя жамгармасига мажбурий ажратмалар тұлашдан озод қилинади)</p> <p>20% миқдорида: - Белоруссия Республикасида ҳисобда турған юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларлардан (йилига 60 000 Белорусь рублидан ошган миқдорда) 4% миқдорида (давлат ва давлатдан ташқари ижтимоий ҳимоя жамгармасига мажбурий ажратмалар тұлашдан озод қилинади)</p>
8	Рўйхатдан ўтиш тартиби	<p>Рўйхатдан ўтиш учун солиқ органларига боришининг зарурати йўқ. Рўйхатдан ўтиш тартиби</p> <p>- мобилъ телефони ёки компьютерига “Профессионал даромадга солиқ” мобилъ иловасини юклаш орқали амалга оширилади;</p> <p>- ушбу дастур худудий солиқ органларининг маълумотлар базасига интеграция қилинган</p>
9	Фаолиятни асосий иш жойи мавжуд бўлганда ҳам амалга ошириш имконияти борлиги	<p>Ушбу йўналишда ишлаш фуқаронинг асосий иш жойи бўйича иш стажи ҳисобланишига алоқаси йўқ. (Фаолиятни асосий иши бўлса ҳам амалга ошириши мумкин) Ушбу йўналишдан олинган иш ҳақлари суммаси солиқ солинадиган даромадлар таркибиغا киритилмайди.</p>

Америка Кўшма штатларида ҳам ўзини ўзи банд қилиш фаолияти билан шуғулланиш мумкин. Ҳар қандай даромад олишга қаратилган фаолият тури бизнес ҳисобланади. Қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ҳам:

- ✓ ўзи учун меҳнат қилиш ва тўлиқ кун ҳисобида эмас;
- ✓ ишдан бўш вақтларида ёлланма меҳнатдан даромад(кечаси, дам олиш кунлари);
- ✓ якка тартибда ёки шерикчилик фаолияти асосида олган даромадларидан;

Агар фаолият даромад келтирса, чораклик даромад солиғи тұлаш мажбуриятини келтириб чиқаради. Бундан ташқари ижтимоий таъминотга мажбурий түлов ва тиббий хизматлар учун

тўловлар амалга оширилиши шарт³

Америка Кўшма Штатларида мустақил бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор даромад солигини прогрессив ставкада ва ижтимоий суғурта ва тиббиёт суғуртасига бадаллар тўлайди. Биргаликда бу бадаллар ўзини ўзи иш билан таъминлаш солиғи деб ҳам аталади. Ишчилар ва тадбиркорлар учун бадал ставкалари бир хил.

Даромад солиғининг еттига ставкаси мавжуд: 10%, 12%, 22%, 24%, 32%, 35% ва 37%. Қайси солиқ ставкасини қўллашда солиқ тўловчининг мақоми ва даромади муҳим аҳамиятга эга.

Кўшма Штатларда прогрессив солиқ тизими мавжуд бўлиб, турли ставкалар учун турли даромад чегаралари мавжуд. Яъни, шахснинг даромади турли чегараларга тушиб, турли ставкаларда солиққа тортилиши мумкин.

Энг юқори ставка унда бутун даромаддан ушбу ставкада солиқ ҳисоблаб чиқилишини англатмайди, белгиланган метъёрдан ошган даромаднинг қисми белгиланади. Бироқ, юқори даромадли одамлар юқори солиқ тўлайдилар.

№	Даромад суммаси (АҚШ доллари)	Солиқ ставкаси (%)	Изоҳ
1	0 дан 11 000 гача	10	10% солиқ солинадиган даромаддан
2	11 001 дан 44 725 гача	12	1 100 плюс 12% 11 000 дан юқори суммага
3	44 726 дан 95 375 гача	22	5 147 плюс 22% 44 725 дан ошган суммага
4	95 376 дан 182 100 гача	24	16 290 плюс 24 % 182 100 дан ошган суммага
5	180 101 дан 231 250 гача	32	37 104 плюс 32% 182 101 дан ошган суммага
6	231 251 дан 578 125 гача	35	52 832 плюс 35% 231 250 дан ошган суммадан
7	578 126 дан	37	174 238.25 плюс 37% 578 125 дан ошган суммадан

Даромад чегаралари ҳар йили инфляция даражасига қараб, яшаш нархининг ошиши билан солиқларнинг ошишига йўл қўймаслик учун тузатилади.

Ижтимоий суғурта учун бадал 12,4% (*маълум миқдордаги даромадга қадар, ундан ортигига бадал ушланмайди*) тиббий хизматлар учун тўлов даромаддан 2,9% ни ташкил этади.

Ходимлар учун бадаллар иш ҳақини тўлашда иш берувчи томонидан ушлаб қолинади, тадбиркорлар уларни ўzlари ҳисоблаб чиқадилар ва тўлайдилар. Бундан ташқари, ходимлар бадалларнинг фақат ярмини тўлайдилар, иккинчи қисми иш берувчи томонидан тўланади. Тадбиркорлар ўз бадалларини мустақил равишда тўлайдилар, аммо чегирмаларни қўллаш имкониятини ҳисобга олган холда.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки дунё амалиётида ўзини ўзи банд қилиш фаолияти билан шуғулланувчилар турли даражада ва турли ставкаларда солиқ тўланар экан. Сабаби ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий, иқтисодий сиёсатини ички имкониятлари ва харажатларидан келиб чиқиб турлича олиб боради.

³ Интернет маълумотлари асосида шакллантирилди

Жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қилиш фаолияти билан шуғулланувчиларни солиққа тортишда қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

- Россия Федерацияси тажрибасидан келиб чиқиб ўзини ўзи банд қилган субъектларга пасайтирувчи солиқ ставкаларини қўллаш. Бунда юридик ва жисмоний шахслардан олган даромадларига қараб солиқ ставкаларини алоҳида белгилаш;
- ўзини ўзи банд қилган шахсларни даромадини солиққа тортишда адолатли тизим яратиш мақсадида унга чегирмалар бериш ёки баъзи бир харажатларни чегириш имкониятини бериш;
- хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолиятларини амалга ошириш жараёнларида назорат касса машинасини мажбурий тартибда қўллашни бекор қилиш;
- Белоруссия Республикаси тажрибасидан келиб чиқиб, солиққа тортиш жараёнида қулай солиқ ставкаларини ишлаб чиқиши. Солиқ ставкаларини белгилашда фуқаронинг ижтимоий ҳолатини (нафақада, ногирон) эканлигини инобатга олиш.
- Субъект бир йил учун белгиланган солиқ чегирмасини бутунлай фойдаланмай қолган тақдирда. Кейинги йил ҳам фаолиятини амалга ошириш шарти билан чегирманинг қолган қисмидан фойдаланиш имкониятини бериш.

Ушбу таклифларнинг амалга киритилиши солиқ тўловчиларнинг қонуний фаолият олиб боришини рағбатлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Р.Холмуминов, К.З.Хомитов, Н.У.Арабов, А.Б.Хайтов, Ж.Х.Бобаназарова Мехнат бозори ривожланишининг таҳлили. Монография -Тошкент: "Mehnat", 2020. -670 б.
2. П.М.Қаршибаевич, Латипов Ашур Али Рустам ўғли, Усмонов Муродбек Дусмурот ўғли. Қишлоқ аҳолисининг камбағаллигини қисқар-тиришда иш билан бандлигини таъминлаш имкониятлари.
- JOURNAL OF MARKETING, BUSINESS AND MANAGEMENT (JMBM). 2022 йил.
VOLUME 1, ISSUE 4 (June) ISSN: 2181-3000
3. Н.Е.Савенко Статус самозанятого физического лица в Российской Федерации. Монография" Издательство: Проспект, 2023 г.
4. Ш.Х.Дусияров "Кичик тадбиркорлик субъектларини солибылав тортиш механизмини такомиллаштириш" мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. Тошкент. 2023 йил 16-б.
5. Ф.А.Файзиев Цифровые трансформации финансовых отношений в России в 2022-2023 годах: проблемы и глобальные тенденции. International Journal an Integrated Education. 5 May. 2022.
6. Закона РФ от 25.12.1990 № 445-1 «О предприятиях и предпринимательской деятельности» ст.16.

Интернет сайтлари

1. <https://www.labirint.ru/books/920380/>
2. <https://www.nalog.gov.ru/rn77/taxation/princtax/>
3. https://www.nalog.gov.by/professional_income_tax/
4. https://vitvet.com/articles/nalogi_fizlic_v_ssha/.